

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САТТАРОВ ТИМУР ФАРХАДОВИЧ**

**КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПСИХОТЕРАПЕВТИК  
ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**19.00.04 –Тиббий ва махсус психология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Саттаров Тимур Фархадович**

Кўкрак беги саратони билан оғриган

беморларнинг психологик хусусиятлари

ва психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш..... 3

**Саттаров Тимур Фархадович**

Психологические особенности больных

раком молочной железы и оптимизация

психотерапевтической помощи ..... 23

**Sattarov Timur Farkhadovich**

Psychological features of patients

with breast cancer and the optimization

of psychotherapeutic care..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САТТАРОВ ТИМУР ФАРХАДОВИЧ**

**КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПСИХОТЕРАПЕВТИК  
ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**19.00.04 –Тиббий ва махсус психология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib591 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.medsport.uz](http://www.medsport.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибодуллаев Зарифбой Ражабович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимов Улугбек Худоярович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хакимов Голиб Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел./факс: (71) 241-52-45 .

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Садиков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Н.С. Ибрагимова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Ш.Ш. Магзумова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда репродуктив тизимнинг хавфли ўсмалари кузатилган аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш муаммоси долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эгалигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ 2012) маълумотларига кўра, « ҳар йили аёллар ўртасида 1,2 миллиондан ортиқ кўкрак саратони ҳолатлари аниқланади ва бу кўрсаткич йилига 20 % га ўсиб бормоқда»<sup>1</sup>. 2017 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясида интеграциялашган ёндашув контекстида саратонни олдини олиш ва уни бошқариш резолюциясини қабул қилди, саратондан бевақт ўлимни камайтириш учун, ҳукуматлар ва ЖССТни Глобал ҳаракатлар стратегиясида ва 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида БМТнинг кун тартибида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ҳаракатларни жадаллаштиришга чақирди. Шу сабабли бемор аёлларнинг руҳий ҳолатини ва стрессни енгиш ресурсларини ўрганиб уларга мос психотерапевтик ёрдамни қўллаш кераклиги муаммонинг долзарблигини ва заруратини белгилаб беради.

Жаҳонда сут беzi саратони (СБС) билан касалланган беморларнинг психологик хусусиятлари ва уларга психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. СБС бўйича диагностика, профилактика ва терапевтик усуллар билан бир каторда психологик хусусиятларга эътибор берилмоқда. Бу борада сут беzi саратони билан касалланган аёлларнинг клиник-психологик тавсифини ҳамда сут беzi саратони билан касалланган аёлларда хавотир-депрессив бузилишларда шахсий хусусиятларнинг нисбатини асослашдан иборат. Сут беzi саратони билан бемор бўлган аёлларда касаллик билан курашиш учун копинг-стратегияни ишлаб чиқиш шунингдек, сут беzi саратони билан касалланган аёлларни жарроҳлик даволашдан кейин копинг-хулқ атворнинг миллий маданий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда руҳий ҳолатнинг психологик коррекциясининг оптимизация қилинган тактикасини ишлаб чиқиш имкониятларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни янада юқори даражаларга олиб чиқиш репродуктив ёшдаги аёлларда кўкрак саратонини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби

<sup>1</sup>WHA 70.12 cancer prevention and control in the context of an integrated approach. WHA Resolution. Seventieth World Health Assembly, 2017. Agenda item 15.6.31 May 2017.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар репродуктив ёшдаги аёлларда турли даражадаги онкологик касалликларни психологик ва психотерапевтик даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали оғир асоратларни олдини олиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** СБС бўлган беморларнинг психологик хусусиятлари муаммосига кўпсонли илмий тадқиқотлар бағишланган бўлиб, уларда хавfli омиллар, касалликнинг клиникаси ва динамикаси, мотивацион йўналтирилганлик ва адаптация масалалари атрофлича кўрилмоқда, психокоррекцион тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, СБС бўлган беморларнинг ҳаёти давомийлигининг ортиши билан даволаш мобайнида юзага келадиган психологик бузилишларни ўрганишнинг етарли эмаслиги ва психологик ёрдамнинг йўқлиги узок даврда шахснинг чуқур деформациясига олиб келади, бу эса ҳаёт сифатини пасайтиради, даволашнинг тўлиқ самарадорлигига эришишга тўсқинлик қилади.

Тиббий психологияда стрессни енгиш хулқ-атвор стратегияси ва ресурсларини ўрганишга, касалликни когнитив баҳолаш билан боғлиқ ҳолда хасталикни шахсий англаш шаклланишининг хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар деярли йўқ. Тиббиёт психологиясидаги замонавий тадқиқотлар репродуктив тизимнинг онкологик касалликлари бўлган аёлларда психологик дистресс (Jacobsen, Holland, 2004; Сирота, Фетисов, 2013), посттравматик стресс бузилишлари белгиларининг (Тарабрина, 2006; Posluszny, Dew, Baum, 2011), турли кўриниш ва даражадаги аффектив бузилишларнинг (Галиуллина, 2000; Шарова, 2000; Кузнецова, 2009; Монасыпова, 2012) устунлиги ҳақида далолат беради. Сут беzi саратони бўлган беморлар реабилитациясининг турли жихатларини кўриб чиқишда уларнинг психологик муаммоларини ҳам эътиборга олиш зарур (Асеев А.В., 1993;

Марилова Т.В., 1996; Greer S. et al., 1979; Friedman B.C. et al., 1990; Johnson J.V. et al., 1996).

Шундай қилиб, сут беши саратони билан касалланган аёлларнинг психологик хусусиятлари билан копинг-хулқ атворнинг миллий маданий хусусиятларига ўзаро боғлиқлигини тасдиқловчи тадқиқотлар етарлича эмас. Ўзбекистонда бундай тадқиқотлар илгари ўтказилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертацияда бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси №01.110.0158 «Неврология ва тиббий психологиядаги бузилишларнинг клиник-ижтимоий тадқиқотлари» (2012-2017 йй) мавзусида илмий-текшириш ишлари режаси асосида бажарилган

**Тадқиқотнинг мақсади** сут беши саратони билан касалланган аёлларнинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда психотерапевтик усулларни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сут беши саратони билан касалланган аёлларнинг клиник-психологик тавсифини таҳлил қилиш;

сут беши саратони билан касалланган аёлларда хавотир-депрессив бузилишларда шахсий хусусиятларнинг нисбатини баҳолаш;

сут беши саратони билан касалланган аёлларда касаллик билан курашиш учун копинг-стратегияларни тадқиқот қилиш;

сут беши саратони билан касалланган аёлларни жарроҳлик даволашдан кейин копинг-хулқ атворнинг миллий маданий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда руҳий ҳолатнинг психологик коррекциясининг оптимизация қилинган тактикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали ҳузурида даволанган сут беши саратони билан касалланган 28 дан 64 ёшгача 107 нафар аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сут беши саратони билан касалланган аёлларнинг ижтимоий, анамнестик, клиник-психологик тавсифи, экспериментал-психологик усуллар натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сут беши саратони билан касалланган аёлларнинг шахсий хусусиятлари, руҳий ҳолати ҳамда стрессни енгиш-хулқ атворнинг ўзаро узвий боғлиқлиги исботланган;

сут беши саратони билан касалланган аёлларда клиник белгилардан даволаш босқичида, шахс хусусиятлари ва ўтказган стресс билан боғлиқ ҳолда ваҳима-депрессив бузилишлар устунлик қилиши аниқланган;

касаллик билан боғлиқ бўлган интенсив аффектив кечинмалар аёлларнинг ижтимоий ҳолатига боғлиқлиги аниқланган;

қийин ҳаётӣ вазиятлар билан енгиш стратегиялари, хасталик вазияти билан специфик когнитив стратегиялари ва ресурсларнинг хусусиятлари очиб берилган;

сут беzi саратони билан касалланган аёлларнинг даволаш чоралари мажмуасига психотерапевтик тадбирларни киритилиши жарроҳлик даволашнинг самарадорлигига таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сут беzi саратони касалланган аёлларда психологик шахсият ва мотивацион йўналиш билан ўзаро боғлиқлиги асослаб берилган;

сут беzi саратони касалланган аёлларда копинг-стратегия компонентлари ва уларнинг шахс тузилмасига таъсир механизмлари очиб берилган;

касалликнинг авж олишини когнитив баҳолашнинг шаклланишида копинг-стратегияларнинг ўрни ва беморларнинг шахсий тузилмасига таъсири асослаб берилган;

сут беzi саратонида миллий маданий ёндашув ва копинг-стратегияларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда психотерапевтик ёндашувларининг такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган. Шу билан бирга етарли даражада беморлар сони билан боғлиқлиги ва касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда тегишли қонуниятлар асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сут беzi саратони бўлган аёлларда стресс таъсирланишнинг клиник-психологик механизмлари, стрессни енгиш стратегиясини танлаш, копинг-ресурсларни ташкиллаштиришнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахсий психологик хусусиятларини аниқланиши ва касаллик даволаш ёндашувларининг такомиллаштирилиши билан изоҳланади;

тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсияларнинг СБС бўлган беморларни стационар ва амбулатор юритиш, касаллик динамикасини ҳисобга олган ҳолда терапевтик дастурларни тиббиёт муассасаларида қўллаш имкониятини яратиши билан белгиланади ҳамда жарроҳлик даволашнинг самарадорлигини оширишга имкон яратиб, беморлар ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўкрак беzi саратони билан касалланган беморларнинг психологик хусусиятлари ва уларга психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Онкологик беморларда копинг-стратегияларни аниқлаш сўровномаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 декабрдаги 8н-д/270-сон маълумотномаси). Мазкур услубий



тавсиянома нохуш психологик ҳолат ривожланишининг юқори хавфи бўлган шахсларни аниқлаш самарадорлигини такомиллаштириш имконини берган;

Кўкрак беzi саратони билан касалланган беморларнинг психологик хусусиятлари ва уларга психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш сифатини яхшилашнинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти филиаллари маммология бўлимлари фаолиятига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 майдаги 8н-з/81-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, фертил ёшидаги аёллар орасида сут беzi саратонини олдини олиш, касалликни ва беморларда касалликнинг таҳлика омилларини бартараф этишда психологик муҳитини яхшилашда копинг стратегиясини аниқлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 хорижий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Онкологик касалликларда психологик жиҳатлар ва психотерапевтик ёрдамнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига бағишланган ҳудудий ва халқаро илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Адабиётлар шарҳи тўртта кичик боблардан ташкил топган бўлиб, онкологик касалликларда хасталикнинг ички манзарасини психологик хусусиятлари, касаллик вазиятида стрессни енгиш хулқ-атвор хусусиятлари, шунингдек, сут беzi

саратони бўлган беморларни реабилитация қилиш дастурида психотерапевтик ёрдам хусусиятларининг замонавий жиҳатлари тўғрисидаги илмий маълумотларга бағишланган, уларнинг таҳлили илмий тадқиқотларни давом эттирилиши зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Кўкрак беги саратони билан касалланган беморларнинг психологик хусусиятлари ва психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник, клиник-катамнестик ва экспериментал-психологик текшириш усуллариининг умумий тавсифини ўз ичига олган материаллар ва усуллар баён этилган. 2016-2018 йиллар мобайнида Тошкент вилоят онкологик диспансерининг базасида даволанган 28-64 ёшдаги сут беги саратони бўлган 107 нафар аёллар тадқиқот объекти бўлган.

Биз ўтказган тадқиқот уч босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқичда сут беги саратони бўлган беморларда операциядан олдинги даврда психологик ҳолатнинг клиник-экспериментал ўрганишлари ўтказилди.

Иккинчи босқичда психотерапевтик тадбирларни стандарт терапияси билан бир қаторда беморларнинг у ёки бу шахсий хусусиятларни аниқлашга қаратилган клиник кузатув ва психологик интервьюлар қўлланилган. Беморларни текшириш учун иккинчи босқичда турли психотерапевтик коррекция усуллари ўтказилди.

СБС бўлган беморларга психотерапевтик ёрдам кўрсатиш ҳақида тузилган дастур ўз ичига бир неча психотерапия: когнитив-хулқий, музика терапия усуллариини олган (Новикова Л.М. бўйича 2012-йил), Воронкова Т.А. 2012-йил бўйича “Ўз кўркувингни чиз” машқи, арт терапия ёрдамида кўркувни коррекциялаш тренинглари ўтказилган.

Проспектив кузатишларда психокоррекция динамикасини мутаносиб баҳолаш учун тасодифий ажратиш усулида асосий гуруҳдаги 107 нафар пациентлар 2 та кичик гуруҳларга ажратилди: I – психокоррекция тадбирлар тайинланган 52 нафар пациентлар, II – фақат стандарт терапияни қабул қилган 55 нафар пациентлар. Психотерапевтик таъсир самарадорлигини баҳолаш психотерапиядан олдин ва кейин ўтказилган экспериментал-психологик услублар мажмуасининг натижаларини таққослаш орқали амалга оширилди.

Олинган маълумотлар Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакети ёрдамида, статистик ишлов бериш бўйича қурилма функцияларини қўллаган ҳолда статистик қайта ишланди. Нисбий катталиклар, ўртача арифметик кўрсаткичлар, миқдор ва сифат белгилари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун Пирсон (С) алоқадорлик коэффициентини ҳисоблаган ҳолда вариацион статистика усуллари қўлланилди.


Диссертациянинг «**Сут беги саратони бўлган пациентларнинг клиник-психологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида сут беги саратони бўлган беморларни ўзгарган ҳаёт вазиятига адаптациясида муҳим аҳамиятга эга бўлган, шахсининг касалликка нисбатан реакциясини ўрганиш имконини берган клиник-психологик текшириш натижалари келтирилган,

онкологик касалликлар мавжудлиги тўғрисида барча беморлар хабардор булганлар.

Тадқиқотнинг қуйидаги босқичлари ажратилган: операцияга қадар (ташхисий ва операциядан олдинги), операциядан кейинги ва даволашнинг кейинги босқичи. Психологик текшириш натижаларининг кўрсатишича, ташхис даври беморлар учун ўта қийин босқичлардан бири бўлган. Сут безида қаттиқлик пайдо бўлиш факти беморларда ўз ҳолатининг ноаниқлиги кўркувини чақиради: бир тарафдан – хавфли касаллик бўлиши мумкинлиги ва ўз ҳаёти, шунингдек, яқинларининг айниқса фарзандларининг тақдири учун хавфсираш, иккинчи тарафдан – турғун анозогнозия бўлиб, беморларнинг узоқ муддат шифокорга муурожаат этмасликларига олиб келади. Доимий стресс ҳолатида бўлиш натижасида беморларда уйқусизлик, таъсирчанлик, йиғлоқилик, эътиборни жамлашни қийинлаштириши, иш қобилиятининг пасайиши, шахсий ҳиссиётларида ипохондрик фиксация кўринишидаги невротик реакциялар пайдо бўлади. Қайд этиш лозимки, беморга яқин ижтимоий муҳит хусусан, оила, ҳамкасблар томонидан мувофиқ, ижобий муносабат мавжудлигида невротик реакциялар мажмуаси кучсиз намоён бўлган. Кейинчалик, операция зарурияти объектив реаллик тусини олгандан сўнг, клиник манзарада ўзини йўқотиш, маҳкумлиқ, ноиложлик ҳисси кузатилади. Онкологик ташхис қўйилиши билан шахс “онкологик бемор” ҳолатини эгаллайди. Кўп ҳолларда, ушбу психологик ҳолат бемор учун ўлимга маҳкумлиқни, чорасизликни, замонавий жамиятнинг каттагина қисми тушунчасида саратон бу “ўлим” деб ҳисоблайди. Бизнинг аниқлашимизча, ушбу босқичда иложсиз яқун кўркувиға қаратилган туртки устунлиги, бошқа турдаги фаолиятни чақиради, бу олдин биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган турткиларни орқага суриб, фақат маълум бир беморга шахсий мазмун касб этади.


Соғлиқни сақлаш бўйича етакчи фаолият оқимиға психологик текширишларни киритиш беморларда экспериментга нисбатан адекват муносабатни чақиради. Бунда беморлар ишда пассив, тадқиқотлар натижалари билан ҳамма вақт ҳам қизиқмасаларда, вазифаларни бажаришга розилик билдирадилар.

Бизнинг назаримизда, бу вазифанинг ечимида биринчи ўринда индивиднинг фаоллигини белгиловчи базавий тавсифларга – темперамент хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Шахслар темпераментининг устунлик қилувчи турини аниқлаш Г.Ю.Айзенкнинг шахсий саволномаси ёрдамида ўтказилди. Аниқланишича, соғлом ва бемор одамлар темперамент туриға кўра фарқланадилар. Натижалар сут бези саратони бўлган аёлларнинг 35 (32,7%) нафари холерик, уларнинг 38 (35,5%) нафари меланхолик эканлигини кўрсатди. Ушбу танлашда мос равишда 18 (16,9%) нафар флегматиклар ва 16 (14,9%) нафар сангвиниклар аниқланди. Назорат гуруҳида - бир текис тақсимланиш юз берди: 20,0% холериклар, 25,0% меланхоликлар, 25,0% флегматиклар ва 30,0% сангвиниклар (1-расм). Назорат ва асосий гуруҳларда темперамент тури бўйича кўрсаткичлар фарқланиши аҳамиятли бўлди ( $p < 0,05$ ).



**1 – расм. Текширилган гуруҳларда темперамент турлари.**

Текширилган пациентлар билан суҳбатлашиш ва кузатиш жараёнида улар учун кўпроқ хос бўлган, шахснинг акцентуация даражасидаги қирралари аниқланди. У ёки бу, аксарият ҳолларда етарлича яққол, тавсифий хусусиятларининг мавжудлигига қарамай, кузатилган беморларнинг бирортасида ҳам МКБ-10 бўйича шахс бузилишларининг ташҳиси учун омиллар аниқланмади. Бироқ, патохарактерологик ўзгаришлар биронта ҳолатда ҳам тотал бўлмаган, фақат «айрим» вазиятларда намоён бўлган ва ижтимоий адаптацияга тўсқинлик қилмаган, шу сабабли шахсий акцентуация доирасида баҳоланган. Биз преморбид шахсий хусусиятларнинг типологик гуруҳланишини клиник ёндашувнинг ўрнатилган тамойиллари – устунлик қилган симптоматикани ҳисобга олиш асосида ўтказдик. Беморларда энг кўп - 35,5% психастеник шахс қирралари кузатилди. 2-расмда шахсни преморбид типига боғлиқ беморларни тақсимланиши келтирилган.




**2 – расм Беморларнинг преморбид турлари**

2 расмда кўрсатилган маълумотга кўра, преморбид шахсий хусусиятлар тоифасидаги асосий гуруҳ беморларда психоастеник шахс қирралари ишончли устунликка 35,3% ( $p < 0,05$ ), назорат гуруҳида эса 15% эга. Ушбу тур биринчи галда тортинчоклик, ҳадиксираш, ҳафачилик, таъсирчанлик, юқори сезгирлик, заифлик каби кўринишларни бирлаштиради. Бу тоифадаги беморларга покизалик, виждонийлик ва синчковлик, баъзан педантизмгача кўтарилувчи; кўпинча бу шахслараро муносабатларга зарар келтириш билан тавсифланади. Шу билан биргаликда уларга ижтимоий яшаш меъёрлари ва шароитларга берилганлик, ахлоқ-одоб талаблари (асосан, ўз-ўзига)- бундан қайтиш, кўпинча айбдорлик ҳиссини келиб чиқишига ва шахсий аҳамият ҳиссиётини камайиши таалуклидир. Келтирилган характер қирралари бошқаларидан анча устундир.

Беморлар учун қарорсизлик, ҳадиксираш кабилар характерли бўлиб, кўпинча уларда шахслараро муносабатларда муаммолар келиб чиққан, текширув маълумотларига кўра, ушбу гуруҳдаги 5 (13,1%) беморда ўзини таҳлил қилишга интилиш, ишончсизликка берилиш, ҳавфсираш каби тенденциялар кузатилган.

Бу маълумотлар фаолиятни амалга ошириш даврида жуда кучли намоён бўлган, чунки у жавобгарлик ошиши билан боғлиқ бўлган.

Г.Айзенк саволномаси ёрдамида ўтказилган тадқиқот таъсирланишнинг турли даражасига эга бўлган текширилувчиларнинг барчаси экстраверсия-интроверсия кўрсаткичлари бўйича амбивертларга мансуб, нейротизм кўрсаткичлари бўйича эса - нормостениклар деб ҳисобланиши мумкинлигини кўрсатди. Шу тариқа, сут беши саратони бўлган беморларнинг 60 (56,1%) нафари интровертлар, 47 (43,9%) нафари – экстравертлар деб ҳисобланди, назорат гуруҳида эса экстравертлар устунлик қилди – 80,0%, интровертлар – 20,0%. (3 чи расм)



**3 - расм Эктаверсия ва интроверсия курсаткичлари**

Беморларни клиник-психологик текширув жараёнида биз, касаллик бошлангандан кейин улар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча

саволларни кўриб чиқдик. Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки СБС билан боғлиқ шикаст олган беморлар барибир ҳам турли хил психологик компенсация даражасига эга бўлган.

Текширув жараёнида қуйидаги кўрсаткичлар олинган. Шифокор текширувидан кейин 33 та (30,8%) беморлар кўркув ва ночорликни, 59 (55,1%) бемор ваҳима ва нотинчликни 18 та (16,8%) бемор уларнинг касаллиги ёмон сифатли характер эгаллигига ишонишган, 47 (43,9%)си касаллик ёмон сифатли характер эканини тан олишган, 15 та (14,0%) саратон мавжудлигини рад этишган, 27та (25,2%) бемор эса ташхисга аниқсиз муносабат билдиришган.

Шу вақтда беморлар касаллини оғирлиги ҳақидаги маълумотни ва натижа ўлим бўлишлигида олинган психологик шикастни юмшатиш учун специфик руҳий ҳимоя механизмларини қўллашган, кўрсатилган ҳимоя механизмларига рационаллаштириш, инкор этиш, сиқиб чиқариш ва бошқаларни киритиш мумкин. Даволланишга бўлган муносабатни шаклланишига ўз касаллигини тушуниш таъсир этган: фаол 48 (44,8%)ни, барқарорсизлик 47 (43,9%) пассив-12 (11,3%) беморларда кузатилган.

Беморларнинг кечинмаларига уларнинг касаллик давридаги конкрет (аниқ) ҳаётий вазияти таъсир кўрсатди. Шу йўсинда, оилавий вазият, касаллик туфайли уларга нисбатан атрофдагиларнинг муносабатини ўзгариши олдидаги кўркув, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биз томонимиздан СБС бўлган аёлларнинг хасталик сабабли оила ичидаги вазиятнинг ўзгаришига нисбатан психологик реакциясининг хусусиятлари кўриб чиқилди. Сурункали хасталик, айниқса, витал хавфга (саратон) эга бўлган касаллик пациентларнинг оила ичидаги ўзаро алоқасига таъсир кўрсатади. Текширилганларнинг кўпчилиги (81,3%) ягона никоҳда эканликлари, уларнинг 67,3% ягона никоҳда 30 йилдан ортиқ ҳаёт кечираётганликлари эътиборни тортади. Пациентларнинг 19,6% да никоҳ давомийлиги 10-29,5 йилни ташкил этади. Текширилганларнинг деярли 95%оиласи учун шахсий аҳамиятини жуда юқори деб ҳис этганлар. Фақатгина 1,9% ўзларини керак эмас деб ҳис этганлар, яқинлари учун ўзларини «юк» деб ҳисоблаганлар, ёки қариндошларини ўз мажбуриятларини бажараяптилар деб тахмин қилганлар.

Текширув жараёнида беморларда оиладаги руҳий муҳитни ўзгариши субъектив баҳоланиши касаллик келтириб чиқарганлиги билан характерланган.

Сўровларни баҳолаш шундан далолат берадики, 3,2 кўпроғи (67,3%)беморлар касаллик келтириб чиқарган оилавий ўзаро муносабатларни ўзгаришида иштирок этмаган. Шунини таъкидлаш лозимки, аниқланаётган саволга энг кўп тарқалган жавоб шундан далолат берадики, ташхис қўйилгандан олдин ҳам, кейин ҳам муносабатлар ўзгаришсиз ижобийлигича қолган, шунингдек, ушбу факт тасдиқлиги, 29,9% беморлардан оилавий муносабатлар яхшиланганлиги кўрсатилган, айниқса, бу кўп ҳолларда жаррохлик аралашувидан кейин кузатилган. Бизнинг фикримизча, бу операциядан кейинг даврда беморлар тақдирига яқинларининг анча фаол иштироки билан изоҳланади.

Беморларнинг асосий қисми (92-86,0%) оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида маълумот берди. Беморларнинг (6,5%) 7 тасида оиладаги ўзаро муносабатларни тушунишдан-тушунмасликгача бўлган ўзгаришлар аниқланган, беморларнинг 4,7%и ўзаро тушуниш йўқлигини билдирган (бунда “билмайман”, “муҳокама қилмаймиз” деган жавоб билдирган, бунинг натижасида ушбу кўрсаткич 7,5%гача кўтарилган).

Текширув натижалари кўрсатилишича, учдан икки қисм 67 та (62,6%) беморларда оилавий ўзаро муносабатларни ўзгариши кузатилмаган. Саволни аниқлаштирилганда, беморларнинг асосий қисми турли хил босқичларда-ташхис қўйилмасдан олдин ҳам, касаллик даврида ҳам ўзаро муносабатлар даражасини ижобий баҳолашган. Шунини таъкидлаш лозимки, 30,8% сўровдан ўтказилган касаллик давридаги оилавий муҳитни ижобий дейишган-бу маълумотлар касалликни турли босқичларида бўлган беморлар томонидан баҳоланган. Шу вақтни ўзида 7% камроқ беморларда касаллик сабабли яқинлари билан ўзаро муносабатларини яхшилаш имконияти йўқлиги аниқланган. Шунини айтиш мумкинки, беморларнинг катта қисмида (83,2%) касаллик сабабли оилавий ўзаро муносабатларда турмуш ўртоғи билан муҳокамалар кузатилган.

Текширувдан ўтган бошқа беморларда бундай муҳокамалар кузатилмаган. Ушбу хулоса ўз турмуш ўртоғига бўлган ишонч даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Беморларнинг ярмидан кўпрогининг (55,1%) турмуш ўртоқлари ўз аёли билан жавобгарликни бўлишишган. Қолган беморларнинг 24 таси (22,4%) ўзига бўлган муносабатга тўлиқ жавобгарликни олишган, 21 та (19,6%) респондент эса жавобгарлини тўлиқ ўзидан олиб ташлаган.

Етакчи симптом хавотирдир (психологик йўналтирилганлик бўйича унга яқин бўлган кўркув учинчи ўринни эгаллайди). Операцияга қадар даврда у бошқа барча шикоятларга нисбатан аниқ даражада кўп учрайди. Даволаш жараёнида унинг яққоллиги прогрессив тарзда пасаяди. Операциядан аввалги ва психотерапевтик аралашувдан кейинги фарқланишлар статистик аҳамиятга эга бўлди ( $P < 0,02$ ). Ўхшаш динамика кўркувда ҳам кузатилди ( $P < 0,01$ ).

“Хавотир ва депрессиянинг госпитал шкаласи” (HADS) билан текширилган беморларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Депрессия ва хавотирнинг намоён бўлиш даражаси

HADS шкаласи	Текширилаётган гуруҳ	
	абс	%
Субклиник намоён бўлган депрессия	68	63,8
Клиник намоён бўлган депрессия	14	13,1
Субклиник намоён бўлган хавотир	62	57,9
Клиник намоён бўлган хавотир	25	23,4

Хавотир ҳолатининг клиник кўриниши кучланиш, ўзини йўқотиш, руҳий ўзгарувчанлик ва таъсирчанликнинг устунлиги билан характерланди. СБС бўлган беморларда соғлом аёллар билан таққосланганда хавотир ва депрессия аниқ даражада кучли акс этган (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### СБС бўлган беморлар ва соғлом аёлларда хавотир ва депрессия кўрсаткичларини таққослаш

Таққосланаётган кўрсаткичлар	СБС бўлган беморлар(n = 41)	Соғлом аёллар (n = 40)	P
HADS сўровномасининг шкалалари			
Хавотир	7,9 ± 2,4	5,8 ± 2,2	p < 0,01
Депрессия	6,8 ± 2,5	4,6 ± 1,6	p < 0,01

Биз, тадқиқотда интроверсия-экстраверсия ва хавотир-депрессив спектрнинг солиштирма маълумотларининг таҳлили ўтказилди (3-жадвал).

Шахснинг хавотир ва депрессив бузилишлари экстравертларга нисбатан интровертларда кўпроқ намоён бўлар экан.

Қайд этиш лозимки, темперамент тури ва хавотир ҳамда депрессия даражаси бўйича ҳам фарқланишлар аниқланди. Хавотир ва депрессия даражаси меланхоликлар ва холерикларда юқори, флегматиклар ва сангвиникларда бу кўрсаткичлар паст бўлган

### 3-жадвал

#### Темперамент турининг хавотир ва депрессия даражаси билан боғлиқлиги

Шкалалар	Меланхоликлар (Me±SD)	Холериклар (Me±SD)	Флегматиклар (Me±SD)	Сангвиниклар (Me±SD)	P
Хавотир шкаласи	10,2±1,95	9,6±2,5	8.5±3,3	8,1±1,7	<0,01
Депрессия шкаласи	9,3±2,3	8,7±2,1	7,8±2,4	6,7±2,7	< 0,01

Изоҳ: Me±SD.Me-ўртача катталиқ; SD-стандарт оғишиш

Тадқиқотлар давомида биз темперамент тури ва хавотир ҳамда депрессия даражаси бўйича фарқланишларни аниқладик. Хавотир ва депрессия даражаси меланхоликлар ва холерикларда юқори, флегматиклар ва сангвиникларда бу кўрсаткичлар паст бўлиб, бу шахснинг психоэмоционал ҳолати ва темперамент турининг ўзаро алоқадорлигини кўрсатади.

Шу тариқа, мазкур тадқиқотда СБС билан касалланган аёлларнинг шахсий хусусиятлари шаклланишининг тахминий механизмлари аниқланиб, бу ўхшашлик шаклланганлигининг паст даражаси, стрессларга



турғунликнинг пастлиги билан намоён бўлади, бу эса хасталик шароитида (СБС) дистресс реакциялари ва патопсихологик симптоматиканинг ривожланишини олдиндан белгилаши мумкин. СБС бўлган беморларга психологик ёрдам стратегиясини белгилашда юқорида баён этилган механизмларни ҳисобга олиш зарурийдир.

Диссертациянинг «**Кўкрак беzi саратони бўлган беморларнинг копинг-стратегияси хусусиятлари**» тўртинчи бобида онкологик хасталик вазиятида копинг стратегиясини танлашда шахснинг стрессни енгиш ҳуққ-атворини ва темпераментини кечинманинг ҳамда копинг-ҳуққ-атворнинг детерминанти сифатидаги тадқиқоти ўтказилди.

СБС бўлган аёлларда «ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш», «ўз-ўзини назорат қилиш» ва «муаммони ҳал этишни режалаштириш» каби копинг-стратегиялари устунлик қилади. Копинг-стратегияларни ўрганишда когнитив соҳада «альтруизм» ва «мурожаат» стратегиялари, руҳий соҳада— «оптимизм» стратегияси, ҳуққ-атвор соҳасида—«мантик киритиш» ва «динийлик» стратегияларининг устунлиги аниқланди. Сут беzi саратони билан касалланган аёлларнинг копинг-ҳуққи муаммоларни ҳал этишга фаол интилиш, мураккаб вазиятдан чиқишни излаш, аҳамиятли инсонлар билан ҳамкорликка киришишга тайёрлик, бироқ бир вақтнинг ўзида назорат, кечинмаларни баён этиш имконининг йўқлиги, ўзини тута билишга интилиш билан характерланади. Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш ва ўз кечинмаларини баён этиш имкониятининг йўқлиги ўртасидаги ички зиддият копинг-ҳуққнинг ўзига хос хусусиятидир. Тадқиқот давомида асосий копинг-стратегиялар ривожланиши даражасининг онкологик беморларнинг депрессияси оғирлиги даражасига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши ҳисоблаб чиқилди. Бу депрессиянинг яққоллиги даражасига боғлиқ ҳолда копинглар ривожланиши қонуниятини аниқлашга имкон яратди.

Онкологик беморларнинг депрессив симптомлар бўлмаган ва депрессиянинг енгиш белгилари бўлган гуруҳларида «Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш» копинги кенг тарқалгандир. Ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш стратегияси ташқи ижтимоий ресурсларни жалб этиш, ахборот, руҳий ва таъсирли қўллаб-қувватлашни излаш ҳисобига муаммони ҳал этишга ҳаракат қилишни назарда тутди. Пациентлар муаммоли вазиятни ҳал этиш учун ташқи ресурслардан фойдаланиш имкониятини қидиришга мойил бўладилар, улар учун бошқа инсонлар билан ўзаро ҳаракатга йўналганлик, қўллаб-қувватлашни кутиш хосдир. Қарамлик позициясининг, атрофдагилардан ҳаддан ортиқ кутишнинг шаклланиш эҳтимоли ижтимоий қўллаб-қувватлашни излашнинг салбий томонидир. Хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий қўллаб-қувватлашни излаш стратегияси адаптив бўлиб: пациентлар қарамлик позициясига тушмаган ҳолда муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун ташқи ресурсларни фаол жалб этадилар. Бундан ташқари, пациентларнинг ёшини ҳам эътиборга олиш лозим: беморларнинг аксарияти 50 ёшдан катта ва меҳнат фаолиятини олиб бормайдилар, бу ҳолат ушбу пациентларнинг атрофдагиларнинг ёрдамидан фойдаланишга йўналганлигини белгилайди. Беморларнинг 75% да мазкур копинг-стратегия

